

УДК. 32.321.6

**“ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ” ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Қосимов К.И. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти
ўқитувчиси**

Эргашев У.А. Фарғона политехника институти ўқитувчиси

**ХАРАКТЕРИСТИКИ ВОСТОЧНОЙ ДЕМОКРАТИИ И
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Косимов К.И. Преподаватель Ферганского медицинского института
здравоохранения.**

Эргашев У.А. Преподаватель Ферганского политехнического института

**CHARACTERISTICS OF EASTERN DEMOCRACY AND CIVIL
SOCIETY IN UZBEKISTAN**

Kosimov K.I. Lecturer at the Fergana Medical Institute of Health.

Ergashev U.A. Lecturer at Fergana Polytechnic Institute

Аннотация: Мақолада жамият ҳаётида демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятининг афзаллик томонлари ва уни Ўзбекистон шароитида барпо этиш борасидаги ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В статье рассматриваются преимущества гражданского общества, основанного на демократических принципах в обществе, и особенности его построения в Узбекистане.

Resume: The article examines the advantages of a civil society based on democratic principles in society, and the peculiarities of its construction in Uzbekistan.

Таянч иборалар: Демократия, демократик жамият, “Шарқона демократия”, фуқаролик жамияти, фуқаролик позицияси, геосиёсат, БМТ, “Ҳаракатлар стратегияси”.

Ключевые слова: демократия, демократическое общество, «восточная демократия», гражданское общество, гражданская позиция, геополитика, ООН, «Стратегия действий».

Key words: democracy, democratic society, "eastern democracy", civil society, civic position, geopolitics, UN, "Action Strategy".

XX аср бошларига келиб дунё геосиёсатида давлат ва жамият курилиши, фукароларни бошқариш ва қолаверса, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ўзгача фикрлаш, дунёқараш шакли юзага келди-ки, бу ҳозирги замон жамиятшунослик фанларида феномен даражасига кўтарилган – “демократик жамият” тушунчасида ўз аксини топгандир.

Луғавий маъносига кўра – “Халқ ҳокимияти” (лот. “demos”-халқ, “kratos”-ҳокимият) деб аталувчи мазкур атама дастлаб Қадимги Юнонистонда қўлланила бошланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош Низомида барча инсонпарварона ғояларни ўзида жамлаган бир қатор принциплар белгилаб ўтилдики, ҳозирда улар демократиянинг муҳим тамойиллари сифатида эътироф этилмоқда.

Умуман, ҳозирги замон сиёсатшунослигида демократиянинг уч хил кўриниши фарқланади: 1) Бир партияли вакиллик демократияси; 2) Кўппартияли вакиллик демократияси; 3) Кўшма (тўғри демократия) демократик бошқарув.

XX асрнинг охирларига келиб дунё миқёсида социалистик жамият атамаси, тузумининг ичдан емирилиши натижасида кўплаб давлатлар ҳаётида кўппартиявийликка асосланган демократик тизим ўрнатишга нисбатан амалий ҳаракатлар бошланди. Жумладан, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб дастлабки Президентимиз И.А.Каримов томонидан ҳам юртимизда демократик тамойилларга мос равишда мутлақо янги тизимни жорий этиш йўлида амалий, изчил ҳаракатлар бошланган. “Мен Ислом Каримов фаолиятининг кўпгина энг муҳим йўналишлари бўйича унинг тарафдори бўлган эдим, ҳозир ҳам унинг тарафдориман.

АҚШда Рузвельт, Англияда Черчилль, Францияда де Голль тарихнинг маълум даврларида қандай муҳим ўрин тутган бўлса, Ислом Каримов ҳам истибоддан қутулган Ўзбекистон учун ана шундай буюк шахс бўлиб қолади...” – дея ёзади Дональд Карлайл [5].

“Ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгилиниши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур”.

“Янги жамият қуриш (мустақил Ўзбекистон Республикасида) концепсиясининг шаклланишида миллий, тарихий ва маданий анъаналарнинг тикланиши, Шарқда катта обрў-эътиборга сазовор бизнинг, қадимги, ўрта асрлардаги цивилизациямиз, ахлоқий қадриятларимизнинг халққа қайтарилгани энг муҳим дунёқараш, методологик, аксиологик аҳамиятга эга бўлди”[4] – дейди академик Саид Шермухамедов.

Дастлабки Президентимиз томонидан эътироф этилган демократияга хос хусусиятлар халқимиз ҳаётига азал-азалдан сингиб кетган фуқаролик жамияти намуналари билан ҳамоҳанг сингдирилгандир. “Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”[2] ёки “...давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир. Зеро, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди”[2]. Умуман олганда, И.А.Каримов назарида мустақил Ўзбекистон шароитида тадбиқ этиладиган демократия бу жаҳон миқёсида барча демократик давлатларида амалиётга жорий этилаётган анъанавий демократиядан тубдан фарқ қилиши керак эди. Бу мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида демократик жамият қуришга томон ўтиш даврининг ўзига хос томонлари бўлиб, айти пайтда “транзит

демократия” – демократиянинг мажбуран сингдирилишини тамоман инкор этади.

Албатта, ҳозирги кунда - янги Ўзбекистонимиз ҳам демократик ислохатлардан воз кечган эмас. Айтиш жойизки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан демократияга нисбатан янги мазмун ва янги қиёфа сингдирилди, “ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби” – дея ҳисоблаган давлатимиз раҳбари жамиятимизнинг куйи бўғини ҳисобланган халқ турмуш-даражаси, фаровонлигини тубдан яхшилашга нисбатан асосий эътиборини қаратди. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятига демократик тамойилларни тобора сингдириш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг нуфузини оширишга қаратилган конкрет, аниқ ислохатлар ўтказишни қатий талаб этиб қўйди. “Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратишимиз керак. Бунда маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида қўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришиш имконияти яратилади.

Маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат, Вазирлар Маҳкамаси билан бирга 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин. Ушбу ҳужжатларда ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши лозим”[1] – дейилади муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил учун Олий Мажлисга Мурожаатномасида. Мазкур Мурожаатномада 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг Давлат ва жамият қурилиши тизимининг устивор йўналишларида белгиланган масалаларга қўшимча равишда янада кенгрок ва конкрет ислохатлар олиб борилиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу ҳозирда

дунёнинг кўплаб давлатларида нотинчликлар хануз давом этаётган бир вазиятда мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган фукаролик жамиятини барпо этиш сари тобора илгарилаб борилаётганидан далолат беради.

“Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас”[1]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 й.
2. И.Каримов. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” асари. Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 й. 151 бет.
3. С.Шермухамедов. “Биз қандай жамият қурмоқдамиз?”. Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 й. 10 бет.
4. Л.Левитин. “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида”. Т. 2001 й. 19 бет.
5. У.А.Эргашев. “Relationship with religion in Uzbekistan”. Экономика и социум. №5 (72). Россия. 2020 й. 37-39 бетлар.
6. У.А.Эргашев. “Фалсафанинг жамият ҳаёти, Инсон маънавий камолотидаги роли”. UzACADEMIA 11-сон 2-қисм. 2021 й. 40-43 бет.
7. У.А.Эргашев, Н.Жураева. “Qualities revered by Amir Temur”. Экономика и социум. №5 (72). Россия. 2020 й. 40-43 бетлар.
8. Madaminov A.A. ACTUAL PROBLEMS OF YOUTH SOCIALIZATION IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION. Экономика и социум. 2019. №4(59). 62-64стр